

ЁШЛАР ЎРТАСИДА КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Нодирахон Халматова

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети,
Фаргона филиали Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлим
услубчиси*

Аннотация: Ёшларни илм-фанга кенг жалб қилиш, олий таълим ва илмий муассасаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, ундан республикада иқтисодий-моддий базасини инновацион ривожланишида самарали фойдаланиш масалалари алоҳида аҳамият касб этади.

Аннотация: Особое значение приобретают вопросы широкого вовлечения молодежи в науку, укрепления научного потенциала высших учебных заведений и научных учреждений, его эффективного использования в инновационном развитии экономической и материальной базы республики.

Annotation: Of particular importance are the issues of broad involvement of young people in science, strengthening the scientific potential of higher educational institutions and scientific institutions, and its effective use in the innovative development of the economic and material base of the republic.

Таянч сўзлар: соҳада тубдан янги ислоҳатларни амалга ошириш, инновацион гоялар остида оилада, мамлакатимизда, ёшларнинг маънавий интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш.

Основные слова и фразы: реализация радикально новых реформ в сфере, в соответствии с новаторскими идеями в семье, в нашей стране, для поднятия духовного и интеллектуального потенциала молодежи, ее мышления и мировоззрения.

Key words and phrases: implementation of radically new reforms in the field, in accordance with innovative ideas in the family, in our country, to raise the spiritual and intellectual potential of young people, their thinking and worldview.

Ўзбекистоннинг ҳозирги глобаллашув даврида илмий кадрлар тайёрлаш жараёнини тобора жадал ривожлантириш ва сифатини ошириш, иқтидорли ёшларни илм-фанга кенг жалб қилиш, олий таълим ва илмий муассасаларнинг илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, ундан республикада иқтисодий-моддий базасини инновацион ривожланишида самарали фойдаланиш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Бу соҳада тубдан янги ислоҳатларни амалга ошириш,

мамлакатимизда ёшларнинг маънавий интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, она Ватанимиз ва халқимизга муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашда китобхонлик ва китоб тарғиботини кучайтириш, ахборот-кутубхона фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани давлат сиёсати асосига айланди.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил этаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Айниқса ёшлар орасида олимлар кўпчилигини ташкил этиши кишини хурсанд қилади. Хусусан, халқимиз, аввало, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига жавоб берадиган мазмунли китобларни чоп этиш, таълим муассасалари ва ахборот кутубхоналарининг китоб фондиди тизимли равишда бойитиб бориш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жалб этиш, китоб фондларини тўлдириб бориш учун олдиндан китоблар рўйхатини шакллантириш тизими ташкил этиш, аҳоли айниқса, ёшлар ўртасида китобхонликни оммалаштиришга катта самара беради. Жумладан, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш, улар орасида бадиий жиҳатдан юксак интеллектуал савияни ўстиришга хизмат қиладиган китобларга бўлган талабларни ўрганиш борасида тадбирлар ташкил қилиш, хусусан Ахборот-ресурс ва ахборот кутубхона марказларининг моддий-техника базаси янгиланган, замонавий электрон кутубхоналар тизимлари фаолиятини янада ривожлантириш, шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўз фармойишида китобхонлик маданиятини юксалтириш лозимлигига алоҳида урғу берган. Китоб ўқиш барчамизнинг маънавий оламимизни бойитади, сўзлашув маданиятимизни оширади. Ҳақиқатдан ҳам, китоб барчамизни эзгуликка ундайдиган, олдимизда турган муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган кучдир. Шунинг учун ҳам юртимизда китоб билан ошно бўлган, китобни суйган, китоб ёзган, китобни муқаддас билиб, қорачиғидек асраганларни зиёли деб атаганлар. Бугунги кунда дунёнинг аксарият мамлакатларида китобхонлик маданиятини ривожлантиришга қаратилган янгича моделларни яратиш ҳамда уларни амалга оширишда инновацион механизм ва технологияларни қўллашга оид кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Ўз навбатида, инсонлар орасида ўқишга бўлган қизиқишнинг маълум даражада пасайиши халқаро даражадаги тенденция бўлиб, кўплаб давлатларда ушбу муаммони бартараф этишга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Хорижий мамлакатлар тажрибаси шунини кўрсатмоқдаки, вазиятни яхши томонга ўзгартириш мумкин. Шу билан бирга, ёзма ва оғзаки нутқ маданиятининг юқори даражасини сақлаб қолиш доимий, тинимсиз меҳнатни, шунингдек, китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун самарали фаолият юритувчи ижтимоий институтларнинг

мавжудлигини талаб қилади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши бу борадаги ишларни изчил ташкил этишга кенг имкон яратмоқда. Шу билан бирга, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш долзарб масала ҳисобланади. Ёшлар қанчалик маънавий баркамол бўлса, турли ёт иллатларга 90 қарши иммунитетини ҳам шунча кучли бўлади. Ёшларнинг теран дунёқарашини шакллантириш масаласи ва уларни муаммолари бугунги кунда долзарб вазифаларидан биридир. Ушбу йўналишда давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий- маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурши ҳам бу соҳани янада ривожланишига, юксалишига қартилгани ҳам бежизга эмас. Биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади. Иккинчи ташаббус ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган. Учинчи ташаббус аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган. Тўртинчи ташаббус ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган. Бешинчи ташаббус хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутди. Ушбу ташаббуснинг тўртинчиси ёшларни янада китоб ўқишига ва улар ўртасида турли кўрик танловларни ташкил қилишга ҳамда китоб орқали уларни билиминини ва дунёқарашинини янада оширишга тurtки бўлди. Бу борада Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Фарғона филиалида Ёшлар билан ишлаш маънавият ва маърифат бўлими ҳамда АРМ ахборат-ресурс маркази ходимлари томонидан ҳам талабаларнинг ахборат маданиятини оширишга қаратилган суҳбатлар, кўргазмалар, буюк ёзувчи, шоирлар, рассом, профессор-олимлар ва бошқа касб эгаларига бағишланган кечалар, экскурсиялар ва шу каби тадбирларни ташкил этилиши ҳам, ёшларни янада китобга бўлган меҳрини юксалишига ундаётгалигини кўришимиз мумкин. Ҳозирда ушбу АРМ ахборат-ресурс маркази “ИРБИС 64 плюс” дастури орқали 4800 номидаги адабиётларнинг тўлиқ электрони шакли мавжуд бўлиб, улар сони доимий равишда электрон тизим орқали тўлдириб борилади. Китоб инсонни ердан кўкка кўтарувчи, унинг маънавий қувватини оширувчи буюк куч эканлигини ҳар бир ёш хис қилиши керак. Иккинчидан, китоб инсониятнинг тарихий хотираси, барчамизни ўз маънавий-

маърифий, илмий заминимизни мустаҳкамловчи, келажакни ёрқин кўрсатиб боришга қодир машъала ҳисобланади. Демак биз ёшларни янгича усуллар, бир сўз билан айтганда инновацион ғоялар остида оилада, мактабгача таълим муассасаларида ҳамда умумтаълим мактабларда, ҳар-хил ўйинлар орқали уларни китобга бўлган қизиқишларини ошириб боришимиз, ёшлар онгига сингдириш ва бу борада ота-оналар, ўқитувчи-мураббийлар олдида турган бугунги кундаги асосий вазифаларимиздан бири бўлмоғи керак. Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, ёшларда болалик чоғида китобга меҳр уйғотиш, мустақил фикр ва кенг дунёқарашни шакллантириш уларнинг ҳаёт йўлларида мустаҳкам замин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш..М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. Тошкент.: Ўзбекистон. 2020 й.
2. Мирзиёев Ш.. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига. Халқ сўзи. 2017 йил. 28 июнь. № 126
3. Po‘latova, S. I. (2023). VOLEYBOLCHILAR TAYYORLASH JARAYONINI BOSHQARISH. Educational Research in Universal Sciences, 2(12), 46-50.
4. qizi Po‘latova, S. I. (2023). VOLEYBOL O ‘YININI O ‘RGATISHNING PEDAGOGIK ASOSLARI. Educational Research in Universal Sciences, 2(10), 174-178.
5. Yo‘ldashev, I. (2023). O ‘QUVCHILARNI KASB-HUNARGA SAMARALI YO ‘NALTIRISH PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK, IJTIMOIIY MUAMMO SIFATIDA. FORMATION OF PSYCHOLOGY AND PEDAGOGY AS INTERDISCIPLINARY SCIENCES, 2(19), 7-15.
6. Umaraliyevna, X. E. (2024). VOLEYBOLDA–STRATEGIYA VA TAKTIKA. Научный Фокус, 1(9), 274-279.
7. Po‘latova, S., & Xudaybergenova, E. (2024). Shaxsning individual psixologik-xususiyatlari. Modern Science and Research, 3(1), 1-3.
8. Umaraliyevna, X. E. (2024). VOLEYBOLCHILAR SPORT TRENIROVKASINING VOSITALARI. SO ‘NGI ILMIY TADQIQOTLAR NAZARIYASI, 7(1), 207-213.